

## КОРХОНА ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг маълумотиغا кўра, 2017 йилнинг январь–сентябрь ойларида 404 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.


### Хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари (2017 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига)

	Хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони		Давлат активларини сотишдан олинган тушумлар,	
	бирлик	жамига нисбатан %да	млн.сўм	жамига нисбатан %да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>404</b>	<b>100,0</b>	<b>175 891,5</b>	<b>100,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	42	10,4	4 308,2	2,5
вилоятлар:				
Андижон	29	7,2	2 996,2	1,7
Бухоро	6	1,5	4 191,9	2,4
Жиззах	24	5,9	2 495,0	1,4
Қашқадарё	15	3,7	6 020,3	3,4
Навоий	14	3,5	773,1	0,4
Наманган	44	10,9	25 688,7	14,6
Самарқанд	16	4,0	2 654,0	1,5
Сурхондарё	62	15,3	2 483,7	1,4
Сирдарё	4	1,0	1 375,9	0,8
Тошкент	82	20,3	18 406,6	10,5
Фарғона	22	5,4	8 263,0	4,7
Хоразм	28	6,9	1 990,8	1,1
Тошкент ш.	16	4,0	94 244,0	53,6

Хисобот даврида энг кўп хусусийлаштирилган объектлар сони Тошкент вилоятида 82 тани (жами республика бўйича хусусийлаштирилган

объектлари умумий сонининг 20,3 фоизи), Сурхондарё вилоятида – 62 тани (15,3 фоиз), Наманган вилоятида – 44 тани (10,9 фоиз), Андижон вилоятида – 29 тани (7,2 фоиз) Хоразм вилоятида – 28 тани (6,9 фоиз), Фарғона вилоятида области – 22 тани (5,4 фоиз) ташкил этди.


**2017 йилнинг январь–сентябрида вазирлик ва идоралар кесимида хусусийлаштирилган давлат объектларининг таркиби (жамига нисбатан фоизда)**



Хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари таркибида энг кўп улуш маҳаллий ҳокимиятларга 275 та объект (республика бўйича жами хусусийлаштирилган объектларнинг 68,1 фоизи), Соғлиқни сақлаш вазирлиги – 50 объект (12,4), Халқ таълими вазирлигига – 45 объект (11,1 фоиз), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги – 9 объект (2,2 фоиз), “Навоий кон металлургия комбинати” ДК га – 7 та объект (1,7 фоиз) тўғри келади.

2017 йилнинг январь–сентябрида давлат мулкани сотишдан тушган тушумлар 175,9 млрд. сўмни ташкил қилди.

**2017 йилнинг январь–сентябрида республика ҳудудлари кесимида давлат мулкани сотишдан тушган тушумлар таркиби (жамига нисбатан фоизда)**



Ҳудудлар кесимида давлат мулкани сотишдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 53,6 фоизи), Наманган (14,6 фоиз), Тошкент (10,5 фоиз), Фарғона (4,7 фоиз), Қашқадарё (3,4 фоиз), Бухоро (2,4 фоиз) вилоятларига ва Қорақалпоғистон Республикаси (2,4 фоиз) ҳиссасига тўғри келади.